

Етакчи ва раҳбар (менежер) ўртасидаги фарқ нимада?

Етакчи ва раҳбар сўзлари, кўпинча, бир хил маънода ишлатилади, лекин аслида уларнинг орасида сезиларли фарқ бор. Етакчи бу доим ҳам ташкилотнинг бошида турадиган шахс эмас. Етакчи гуруҳ аъзоларига таъсир ўтказиш қобилиятига эга шахс ҳисобланади ва у гуруҳ аъзоларини бирлаштириб, бир мақсад сари етаклай олади. Етакчи узокни кўзлаб иш тутади ва юксак ғояларни яратади. Бу ғояларни амалга ошириш сари гуруҳ аъзоларини руҳлантиради ва бу борада уларни керакли маълумот ва билим билан қўллаб-қувватлайди.

Лекин етакчилик ва раҳбарлик ўртасида фарқ бўлгани билан, улар бир-бирига боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдириб туради. Уларни бир-биридан ажратиш ҳар доим ҳам самарали натижага олиб келмайди. Келинг, етакчи ва раҳбар ўртасидаги фарқларни санаб ўтайлик:



- **Етакчининг** вазифаси гуруҳни руҳлантириш ва ғояни амалга оширишга иштиёқ уйғотиш
- **Етакчи** инновация қилади, яъни янги ғоялар яратади
- **Етакчининг** орқасидан унга эргашувчилари бор
- **Етакчининг** назари одамларда, гуруҳ аъзоларида бўлади
- **Етакчи** ишонч қозонишга аҳамият берса
- **Етакчи** узокни кўзлайди
- **Етакчи** нима? ва нима учун? деб сўраса
- **Етакчи** оригинал ғояларни яратади
- **Етакчи** тўғри иш қилади



- **Раҳбарнинг** вазифаси режалаштириш, ишни ташкиллаштириш ва вазифаларни бўлиб беришдан иборат
- **Раҳбар** эса уларни амалга ошириш жараёнини бошқаради
- **Раҳбарнинг** эса унга бўйсунувчи ишчилари бор
- **Раҳбарнинг** эътибори тизим ва ташкиллаштиришда бўлади
- **Раҳбар** назорат остига олишга ҳаракат қилади
- **Раҳбар** қўл остидаги ишларни бажаришга кўпроқ аҳамият беради
- **Раҳбар** қандай? ва қачон? саволларга жавоб излайди
- **Раҳбар** эса тақлид қилади, яъни ўхшатишга ҳаракат қилади
- **Раҳбар** ишни тўғри қилади

Сиз юқоридагиларни ўқиш натижасида етакчилик ёки раҳбарлик вазифаларининг қайси бири мен учун маъқулроқ, деб ўйлаб қолган бўлсангиз ажаб эмас. Етакчиликнинг барча хислатларига эга бўлган одамлар дунёда кам. Бундай инсонларнинг барчаси катта ютуқларга эришган ва уларни бугун дунё танийди. Масалан, шундай инсонлар сифатида “Apple” компанияси асосчиси Стив Жобс ёки Грамин Банкнинг асосчиси Муҳаммад Юнусни санаб ўтишимиз мумкин.

Баъзилар етакчиликни туғма қобилият дейди, лекин бу нотўғри. Бундай хислатларни исталган инсон ўзида ривожлантириши мумкин.

Ҳозирги кунда ўзида етакчилик қобилиятларини мужассамлаштирган раҳбарларга талаб ошиб бормоқда. Кўплаб замонавий корхона ва ташкилотлар ишчиларга нафақат буйруқ берадиган ва ишни самарали ташкиллаштира оладиган, балки ишчиларни руҳлантира оладиган, уларнинг юксалишларига кўмак берадиган раҳбарларни изламоқда.

Сиз ҳам ўзингизда етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиб кўришингиз мумкин. Бунинг учун, аввало, ўз олдингизга қатъий мақсад қўйиб, етакчилик тўғрисида кўпроқ маълумот излаб ўрганишингиз ҳамда амалда шундай хислатларни намойиш этишга ҳаракат қилишингиз лозим. Биз курсларимизда худди шуни ўргатамиз. Дарсларни диққат билан ўзлаштирсангиз, курсимиз охиригача етакчилик кўникмаларини кўлга киритасиз.